*Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

18 июнь 1971 йил, жума ◆ № 139 (15.009). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ТАДБИРКОР чорвадорлар шу ғанимат кунларнинг қадрини яхши биладилар. Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхоз чорвадорлари табиий ўт ва бедадан мўл-кўл сенаж бостириб, қишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу йил колхозда 1600 тонна сенаж тайёрланади. Суратда сенаж бостириш.

А. Кузьменко фотоси.

## ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Кеча матбуотда Узбекистон ССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларнинг якуни ҳақидаги ахборот эълон қилинди. Ахборотда шу нарса таъкидланадики, 1971 йил 13 июнь якшанба куни Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советига сайловлар зўр бирдамлик билан ўтди. Овоз бериш ҳамма сайлов участкаларида маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланиб, кеч соат 10 да тамом бўлди. Сайлов КПСС XXIV съезди қарорлари туфайли юзага келган оммаанинг зўр сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазиятида ўтди. Ҳамма жойда сайловчилар юксак активлик ва уюшқоқлик кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар партия билан халқ монолит бирлигининг янги ёрқин намойиши га айланди. Ўтган сайловларда бўлгани каби бу сайловларда ҳам коммунистлар билан партиясизларнинг блоки яна бир бор порлоқ ғалаба қозонди. Сайлов кунининг ўзига хос юксак руҳи, халқ тантаналари, халқ байрамларининг қудратли садоси социалистик демократиямизнинг меҳнаткаш инсонга нималар берганлигининг равшан ифодаси бўлди. Совет кишиларининг ўз жонажон партиясига бўлган чексиз эътиқоди, муҳаббат ва садоқати, уларнинг коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун жуда катта ғайрат ва куч сарфлашга ҳамиша тайёр эканликлари мана шу сайлов кунида жуда равшан намоён бўлди.

Овоз бериш сайловчиларда жипслик, уюшқоқлик нақадар ўсганлигини, улар ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажо келтиришга юксак онгли муносабатда бўлганликларини кўрсатиб турибди. Барча сайлов округларидаги жами сайловчилар 5 миллион 656 минг 373 киши эди. Узбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлашда 5 миллион 655 минг 992 киши, ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди. Депутатликка номзодлар учун 5 миллион 651 минг 756 сайловчи ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,93 проценти овоз берди. Мана шу фактнинг ўзи республика давлат ҳокимияти органига кўрсатилган барча номзодларга умумхалқ ишончининг, умумхалқ меҳр-муҳаббатининг чексиз белгиси бўлди. Зотан, депутатлар халқнинг муносиб фарзандлари, социалистик Ватанимизнинг садоқатли, жанговар курашчилари, эл-юртимизнинг обрў-ҳурматли кишиларидирлар.

Республикамиз олий ҳокимият органига сайланган депутатлар орасида ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш зиёлиларининг қанчаданқанча вакиллари бор. Тошкентдаги Октябрь революцияси номли теплово з вагон ремонти заводи чўян қуюв цехининг эритувчиси Абдуллажон Султонмуродов, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг катта аппаратчиси Светлана Михайловна Калимбетова, Андижон районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи Зулунхон Қўчқорова, Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг бош чўпони Худойберган Оқбердиев, Қамаши районидаги Ленин номли колхознинг тракторчиси Бахтиёр Жумаев, Термиз районидаги «Таллимаржон» совхозининг сут соғувчиси Хадича Абдураҳмонова, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Шаҳри Абдуллаева, Узбекистон районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси Раънохон Алимова, Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхоз механизатори Ўғилсапар Худойбердиева шулар жумласидандир.

Узбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатлардан 151 киши хотин-қизлардир. КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 311 киши бўлиб, улар депутатларнинг 68,8 процентини ташкил этади. 227 киши ишчи ва колхозчидир. Булар меҳнатда ва жамоат ишларида синалган, кўпчиликнинг ишонч-ҳурматига сазовор бўлган, коммунистик ноз-неъматлар яратишда жонбозлик кўрсатаётган новаторлар, ихтисосли ходимлар, ишлаб чиқариш командирлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ходимларидир.

Узбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайланган депутатларга умумхалқнинг нўғгина наказлари, маслаҳат ва тавсиялари берилди. Халқ ишончига муносиб бўлиш, уни амалий иш билан улуғлаш янгидан сайланган депутатларнинг муқаддас бурчларидир.

Совет давлат аппаратининг барча бошқарув органлари аниқ-пухта, ниҳоятда оператив ишлаши лозим. Унда хизмат қилувчи барча ходимлар ўзларига ишониб топширилган вазифаларни, партия ва ҳукумат қарорларини муваффақиятли бажариш учун ғайрат ва ташаббус кўрсатишлари, омма билан кундалик алоқаларни кучайтиришлари ва мустаҳкамлашлари, меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларига, шикоят ва ариза ларига диққат-эътибор ва сезгирлик билан қарашлари, инсонга меҳрибонлик ва ҳурмат кўрсатишлари лозим.

Партия XXIV съезди нинг КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида таъкидлаб кўрсатилганидек, коммунизм қуриш учун курашни социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантиришдан, Совет давлатини мустаҳкамлашдан, жамият сиёсий ташкилотининг бутун системасини такомиллаштиришдан асло ажратиб бўлмайди.

КПСС XXIV съезди коммунизм қурилишининг янги улкан вазифаларни белгилаб берди. Ҳозир ана шу тарихий вазифаларни бажариш учун меҳнаткашлар оммасида кучайиб. ривожланиб бораётган сиёсий ва меҳнат активлиги умумхалқ мусобакасининг йўналишида ўз аксини топмоқда. Республикамизнинг экономикаси ва маданиятини янада яшнатиш юзасидан янги беш йилликда белгиланган ишларнинг миқёси ниҳоятда каттадир. Мана бу вазифаларнинг бажарилиши ҳар бир депутатдан ғоят активлик кўрсатиб ишлашни талаб этади.

Амалий ишга, депутат ўртоқлар!

## ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР!

* Ем-хашак тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтиринг. Бедазорларда 5-6 ўрим ўтказишга эришинг.
* Сенаж ғарамлаш планининг оши риб бажарилишини таъминланг.

## БЕШ ЙИЛЛИК—ТЎРТ ЙИЛДА!

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ «ҚУЙИ ЧИРЧИҚ» БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИЛИК СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

### СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Боғдорчилик-узумчилик совхози коллективи КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошира бориб, оширилган социалистик мажбуриятлар олди.

Беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз. Пландан ташқари 5 минг тонна мева, 10 минг тоннадан зиёд узум берамиз.

Боғ ва токзорларни юксак агротехника ва илғор методлар асосида парвариш қилиб, ҳар бир гектар боғнинг ҳосилдорлигини 82 центнер ва ҳар бир гектар токзорнинг ҳосилдорлигини 227 центнерга етказамиз.

Сермеҳнат ишларни кўпроқ механизациялаштириб, беш йил ичида меҳнат унумдорлигини 32 процент оширамиз.

Сигир ва паррандаларни ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини анча кўпайтирамиз.

Хўжаликда тежамкорликка қаттик риоя қиламиз. 1971 йилда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 800 минг сўм фойда оламиз.

### Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимларининг

### СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXIV съездининг қарорларидан руҳланган Ўзбекистон кооператорлари 1971 йилда бажарилиши лозим бўлган топшириқларни муддатидан олдин адо этиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Чакана товар обороти йиллик планини муддатидан олдин — 25 декабргача бажарамиз ва аҳолига 36,5 миллион сўмлик қўшимча мол сотамиз.

Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини оширамиз. Қўшимча равишда яна камида 1300 та ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазин очиб, бундай магазинлар сонини олти мингтага етказамиз.

Умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотнинг салмоғини 47 процентга етказамиз, ўсиш суръатини 1970 йилдагига нисбатан 12 процент оширамиз. 20 миллион сўмлик ярим фабрикатлар, кулинария, кондитерлик моллари ва булкалар тайёрлаб, аҳолига сотамиз. 230 та ихтисослаштирилган овқатланиш корхоналари очамиз.

Оммавий дала ишлари даврида дала шийпонларида, колхоз ва совхозларнинг бригадаларида сотувчисиз ишлайдиган камида уч мингта дўкон очамиз, биринчи даражада зарур молларни пахтакорлар ишлаб турган жойнинг ўзига элтиб бериш учун, шунингдек яйловлардаги чорвадорларга элтиб бериш учун 1200 та автодўконларни ва араваларни доимий ишлайдиган қилиб қўямиз.

Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини умумиттифоқ фондига элтиб бериш планини 1971 йил 25 ноябргача бажарамиз.

Чорва, парранда, қўёнларни боқиб семиртириш йўли билан камида уч минг тонна гўшт оламиз.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг йиллик планини 27 декабргача бажарамиз ва пландан ташқари 630 минг сўмлик маҳсулот берамиз.

Қурилиш-монтаж ишлари планини 29 декабргача бажарамиз. 211 та объектни, шу жумладан, бирқанча магазинлар, ошхоналар ва ресторанларни муддатидан олдин ишга туширамиз.

Матлубот кооперацияси фаолиятининг ҳамма тармоқларида иқтисод ва тежамкорлик йўли билан пландан ташқари бир миллион сўм фойда оламиз.

**Бу социалистик мажбуриятлар барча қуйи кооператив ташкилотларида ва республика матлубот кооперацияси советида муҳокама этилиб, қабул қилинди.**

### УЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ

### СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXIV съездининг қарорларидан руҳланган Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари 1971 йилги ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Улар қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни олдилар:

1971 йил планини муддатидан олдин — 23 декабрда бажарамиз, пландан ташқари 78.530 минг сўмлик маҳсулотни реализация қиламиз, берилган топшириққа қўшимча 46.480 тонна пахта толаси, 55 тонна кабелбоп калава ип ишлаб чиқарамиз. Меҳнат унумдорлигини 2,4 процент оширамиз. Хом ашё ва моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ҳисобига тойлаш учун ишлатиладиган 324,6 минг квадрат метр газламани, 236,2 тонна симни (лентани), 10.887 минг киловатт-соат электр энергияни тежаймиз.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш, фан-техника ютуқларини кенг жорий қилиш, ишлаб чиқаришдаги сермеҳнат ишларни механизациялаш, меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш асосида пландан ташқари камида 7.186 минг сўм фойда оламиз. Маҳсулот таннархини 6.603 минг сўм миқдорида пасайтирамиз. Рационализаторларнинг таклифларини жорий қилиш йўли билан 80 минг сўмдан кўпроқ иқтисодий самара оламиз.

НАМАНГАН область, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз далаларида ғўза кундан кун яшнаяпти. Миришкор сувчилар ғўзаларни қондириб суғоришмоқда, механизаторлар эса оби-тобида ишлов беряптилар. Юқоридаги суратда ғўзани яшнатаётган моҳир сувчи Турсунбой Ориповни кўриб турибсиз .Пастда эса ғўза культивация қилинмоқда.

А. Тўраев фотолари.

### Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

**Фориш райони** (район партия комитетининг секретари **С. Есимов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Мустанов**, район комсомол комитетининг секретари **Э. Казаков**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **Х. Жўраев** ўртоқлар).

**Зомин райони** (район партия комитетининг секретари **Х. Исроилов**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Раҳматуллаев**, район комсомол комитетининг секретари **А. Илашев**, бош пилла қуритиш пунктининг директори **Э. Қурбонов** ўртоқлар).

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### М. ТУРСУНОВ (МИРТЕМИР)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун шоир Миртемир Турсунов (Миртемир)га «Ўзбекистон ССР халқ шоири» фахрий унвони берилсин.

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Н. МАТЧОНОВ.**

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Р. САХИБОЕВ.**

1971 йил, 17 июнь. Тошкент шаҳри.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ, РАЙОН, ШАҲАР, ПОСЁЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АХБОРОТИ

1971 йил 13 июнда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов ўтказилди.

Сайлов кампанияси КПСС XXIV съездининг қарорлари туфайли сайловчиларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтди. Сайлов кампанияси республика меҳнаткашларининг мустаҳкам бирлигини, уларнинг Коммунистик партия ишига чексиз садоқатини намойиш қилди.

Сайлов натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми олган маълумотларга қараганда, меҳнаткашлар депутатларининг 10 область, 112 район, 43 шаҳар Советларига, Тошкент шаҳридаги 9 район Советига, 83 поселка ва 909 қишлоқ, овул Советларига депутатлар сайланган.

Область Советлари сайловида сайловчиларнинг 99,99 проценти, район Советлари сайловида 99,99 проценти, шаҳар Советлари сайловида 99,98 проценти, Тошкент шаҳридаги район Советлари сайловида 99,97 проценти, поселка Советлари сайловида 99,99 проценти қишлоқ ва овул Советлари сайловида 99,99 проценти қатнашди.

Шундай қилиб, сайловчиларнинг жуда озчиликни ташкил этувчи қисмидан мустасно қарийб ҳаммаси сайловда иштирок қилди.

Область Советлари сайловида овоз беришда қатнашган жамики сайловчиларнинг 99,93 проценти, район Советлари сайловида 99,97 проценти, шаҳар Советлари сайловида 99,81 проценти, Тошкент шаҳридаги район Советлари сайловида 99,80 проценти, поселка Советлари сайловида 99,82 проценти, қишлоқ ва овул Советлари сайловида 99,99 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

Область Советлари сайловида овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг 0,07 проценти, район Советлари сайловида 0,03 проценти, шаҳар Советлари сайловида 0,19 проценти, Тошкент шаҳридаги район Советлари сайловида 0,20 проценти, поселка Советлари сайловида 0,18 проценти, қишлоқ ва овул Советлари сайловида 0,01 проценти депутатликка кўрсатилган номзодларга қарши овоз берди.

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 100-моддасига мувофиқ 29 бюллетен бекор деб топилди.

Республикадаги барча маҳаллий Советларга 83.282 депутат сайланди, шундан 55.758 киши ёки жами депутатларнинг 66,95 проценти ишчилар ва колхозчилар, 38.466 киши ёки жами депутатларнинг 46,18 проценти хотин-қизлар, 45.339 киши ёки жами депутатларнинг 54,45 проценти партиясизлардир. 37.938 депутат ёки жами депутатларнинг 45,55 проценти аввалги чақириқ Советларининг депутатлари бўлмаган.

Тошкент область, Урта Чирчиқ районидаги Пахтаобод қишлоқ Советига сайлов ўтказилган бир сайлов округида депутатликка номзод овозларнинг кўпчилигини олмади ва сайланмай қолди.

Сурхондарё область Шеробод районидаги Зарабоғ қишлоқ Советига сайлов ўтказилган бир округда ва Шеробод район Советига сайлов ўтказилган бир сайлов округида «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисидаги Низом» бузилганлиги сабабли сайлов бекор қилинди.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 1971 йил 13 июнда Автоном Республика Олий Советига ўтказилган сайлов натижаларини маълум қилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайлов сайловчиларнинг актив иштироки билан сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтди. Овоз беришда 322.898 киши ёки сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди. Сайловда иштирок қилган сайловчиларнинг 99,97 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

164 киши Қорақалпоғистон АССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Депутатларнинг 34,75 процентини хотин-қизлар, 33,54 процентини партиясизлар, 49,38 процентини ишчи ва колхозчилар ташкил этади. Депутатларнинг 62,80 проценти Қорақалпоғистон АССР аввалги чақириқ Олий Совети депутатлари бўлмаган.

## УЧУВЧИ БОШҚАРАЁТГАН «САЛЮТ» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 июнь. (ТАСС). Москва вақти билан соат 12 гача учувчи бошқараётган «Салют» орбитал станцияси Ер атрофини 148 марта айланиб чиқди.

Станция экипажи ўтган кунлар мобайнида бажарган техникавий экспериментлар космик аппаратлар ҳаракатини қўл билан ва автомат тарзда бошқарувчи янги воситаларни такомиллаштиришдан иборат эди. Ана шу экспериментлар чоғида кенг бурчакли оптик визир билан ғоят аниқ вертикал ўрнатувчи оптик асбоб ёрдамида қўл билан бошқариш имконияти текшириб кўрилди.

Экипаж командири Георгий Добровольский билан борт-инженер Владислав Волков янги ион мўлжал олиш аппаратини ҳаракатни автомат тарзда бошқариш режимига қўйиб. унинг нечоғлик аниқ ишлаш характеристикаларини текшириб чиқдилар. Бунда вертикал ўрнатувчи оптик асбоб, кўз билан мўлжал олинадиган астрономик асбоб ва ҳаракатни бошқариш системасининг бошқа асбоблари воситасида аниқлик назорат қилиб борилди.

Айни маҳалда радио частота масспектрометрлари ёрдамида юқори атмосферанинг масса таркиби тадқиқ этилди. Бошқарувчи двигателлар ишлаб турган пайтда ҳосил бўлувчи ёруғлик ҳодисаларининг кўпи ҳам ўлчаб борилди. Синовчи-инженер Виктор Пацаев навигация ўлчашларни ҳамда станция ичидаги ҳисоб машинасида илмий натижаларни ишлаб чиқишни давом эттирди.

Экипажнинг ҳамма аъзолари ўзларини яхши ҳис этяптилар. Добровольскийнинг томир уриши минутига 78 марта, Волковникки 58 марта, Пацаевникки эса 77 марта. Артериал босим миқдори ерда ўлчанган миқдорга яқин ва Добровольскийникки симоб устунининг 135/75 миллиметрига, Волковникки 118/55 миллиметрига, Пацаевникки 135/85 миллиметрига тенг.

Координациялаш-ҳисоблаш марказ станциядан олинаётган жуда кўп илмий ахборотларни ишлаб чиқишни давом эттирмоқда.

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН

## НЕПАЛ ҚИРОЛИ ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 15 июнда Катта Кремль саройида Непал қироли Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева шарафига зиёфат бердилар.

Ташқи ишлар министри Гехендра Баҳодир Ражбхандари, Непалнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Бал Чандра Шарма ва бошқа меҳмонлар зиёфатда ҳурматли меҳмон билан бирга бўлишди. Зиёфатда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари К. Т. Мазуров билан Д. С. Полянский ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Н. В. Подгорний меҳмонларга мурожаат қилиб нутқ сўзлади.

Шу муносабат билан биз миллий экономикамизни мустаҳкамлашда Совет Иттифоқидан биз олаётган ёрдам ва ҳамкорлик учун, шунингдек сизларнинг катта ва илғор мамлакатингиздаги олий ўқув юртларида Непал студентларига берилаётган имкониятлар учун ўзимизнинг самимий ташаккуримизни яна бир марта изҳор қилмоқчимиз.

Пировардида мен СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ҳазрати олийларининг соғлиқлари учун, Совет Иттифоқининг тараққиёти учун ва Непал билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

Н. В. Подгорний ва қирол Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

### Н. В. ПОДГОРНИЙ НУТҚИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Сиз жаноб олийларини ва дўст Непалдан келган барча меҳмонларни яна бир марта табриклашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига келгуси ойда 15 йил тўлади. Бу — нисбатан ўнчалик катта муддат эмас, лекин шу вақт ичида Совет — Непал муносабатларида кўпгина ишлар қилинди, бу муносабатлар ҳамкорликнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб хилма-хил бўлиб қолмоқда. Сизнинг мамлакатимизга қилган ташрифингизни Совет Иттифоқи билан Непал ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг янги далили деб билмоқдамиз.

Мамнуният билан шуни қайд қиламизки, мамлакатларимизнинг турли лавозимлардаги давлат ва жамоат арбоблари ўртасидаги алоқалар, савдо алоқалари, иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалар яхши ривожланиб бормоқда. Маълумки, бизнинг мамлакатимиз Непал билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан бирор ғаразли манфаатларни кўзлаётгани йўқ. Биз ташқи сиёсатимизга негиз қилиб олинган принципларга қатъий равишда амал қилиб, Непалга ва унинг халқига мамлакатнинг миллий мустақиллигини, суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ҳаракатларида ёрдам бериб турибмиз ва бундан буён ҳам ёрдам бераверамиз.

Совет—Непал самарали ҳамкорлигининг практикаси шуни яққол кўрсатиб турибдики, бу ҳамкорлик фақат мамлакатларимиз халқларига фойда келтириб қолмасдан шу билан бирга мана шу районда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига ҳам хизмат қилмоқда.

Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан мамлакатларимиз халқларининг манфаатдор эканлиги Совет Иттифоқи билан Непалнинг халқаро майдонда ҳамкорлик қилишлари учун мустаҳкам негиз бўлмоқда. Энг муҳими шуки, кўпгина актуал халқаро проблемалар борасида Совет Иттифоқи билан Непалнинг позициялари бир-бирига яқин ёки мос бўлиб тушмоқда.

Непал давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга, қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш чораларини кўришга интилаётганлигини юксак даражада қадрлаймиз. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада ва кейинги йилларда тузилган бошқа халқаро шартномаларда Непалнинг ҳам имзоси бор.

Бошқа тинчликсевар давлатларнинг ҳамкорлиги каби СССР билан Непалнинг ҳам ҳамкорлик қилиши айниқса шунинг учун зарурки, ер куррасининг бир қанча районларида кескин можаролар сақланиб турибди, империализм кучларининг фаолияти натижасида вужудга келган «оловли нуқталар» деб аталмиш жойлар оз эмас. Непал қироллиги жойлашган Осиёда Ҳинди-Хитой халқларига чет давлатлар агрессия қилмоқда. Яқин Шарқда чет эллардаги маълум доираларнинг мададига таянаётган Исроилнинг агрессив ҳаракатлари кейинги йиллардаги халқаро муносабатларда рўй берган энг кескин тангликларнинг бирини вужудга келтирди.

Ҳар қандай агрессияга қатъий зарба бериш сиёсатини ўтказиб келаётган, Ҳинди-Хитойнинг қаҳрамон халқларига ва араб мамлакатларининг халқларига ҳар томонлама ёрдам бераётган Совет Иттифоқи айни вақтда можароларни сиёсий жиҳатдан бартараф қилишни талаб этмоқда. Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ватанпарварлари таклиф қилган программани қувватламоқдамиз, Яқин Шарқдаги Бутун араб давлатларининг шу районлардаги халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ва миллий истак-орзуларини ҳисобга олиб одилона тинчликни қайта тиклашга қаратилган позицияларига қўшилмоқдамиз.

Совет Иттифоқи Европадаги вазиятни соғломлаштиришга катта эътибор бермоқда. Умум Европа кенгашини чақириш шу қитъада, шунингдек қитъа доирасидан ташқарида ҳам кескинликни юмшатишга хизмат қилган бўлур эди.

Катта ва кичик тинчликсевар давлатларнинг ҳаммаси агрессия ва уруш кучларининг кирдикорларига зарба бермоқ учун, барча халқларнинг эркинлиги ва мустақиллигини, уларнинг мустақил ривожланишга бўлган муқаддас ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирсалар ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бугун биз жаноб олийлари, ҳар иккала томонни қизиқтираётган ҳамда икки ўртадаги муносабатларга тааллуқли бўлган масалалар ва актуал халқаро проблемалар устида фикрлашиб олишга киришдик. Бу суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Непал ўртасидаги дўстона ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдиришни истар эдик.

Непал қироли жаноб олийларининг ва қирол ойиси аъзоларининг соғлиги учун, бу ерда ўтирган непаллик меҳмонлар соғлиги учун, дўст Непал халқининг фаровонлиги ва муваффақиятлари учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз!

Совет — Непал дўстлиги учун!

Бутун дунёда тинчлик бўлиши учун!

Сўнгра қирол Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева нутқ сўзлади.

## САМИМИЯТ РУҲИДА

Непал қироли Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева 16 июнда нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Непал томонидан ташқи ишлар министри Гехендра Бахадур Ражбхандари, Непалнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Бал Чандра Шарма ва қиролнинг Совет Иттифоқига сафарида унга ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Непал қироли Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева меҳмонларга қарата нутқ сўзлади.

### МАХЕНДРА БИР БИКРАМ ШОҲ ДЕВА НУТҚИ

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг лутфан қилган таклифига биноан, Сизнинг ривож топган ва дўст улуғ мамлакатингизга яна келиш имконияти берилганлигидан ва бунинг учун Непал номидан, Непал халқи номидан самимий ташаккур изҳор қилишимиз ва сизларга энг яхши истакларимизни топширишимиз билан ғоят бахтиёрмиз.

Совет Иттифоқининг кейинги қирқ -эллик йил мобайнида эришган иқтисодий муваффақиятлари ва фан соҳасидаги ютуқлари бутун дунёни қойил қолдирди. Бутун дунёда тинчлик учун курашаётган Совет Иттифоқининг тинмай қилаётган ҳаракатлари ҳам ҳаммага яхши маълум. Совет раҳбарларининг доно сиёсатига қойил қолсак арзийди, совет халқи мардлигининг тафсилотлари эса тарих саҳифасидан жой олди. Биз ана шу ажойиб муваффақиятлар билан Совет Иттифоқини, унинг халқини Непал номидан, непалликлар номидан табриклашимиздан бахтиёрмиз.

Непал халқи эзлон қилинган ўз сиёсатига мувофиқ, сизларнинг умумий тинчлик манфаатларини кўзлаб осойишталикни сақлаш ва кескинликни юмшатишга қаратилган ҳамма тадбирларингизни бундан буён ҳам бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверади.

Непал блокларга қўшилмасликдан иборат ташқи сиёсатни ўтказиб келмоқда. Демократик система жорий қилинганлиги туфайли мамлакатдаги сиёсий аҳвол анча яхшиланди, стабиллик таъминланди ва шу билан бирга Непал халқининг умид ва ишончи ошди.

Биз яқинда иқтисодий шароитимизни яхшилаш ва шу тариқа миллий экономикамизни мустаҳкамлашдан иборат муҳим миллий вазифани бажаришга киришдик. Биз, непалликлар ҳаммамиз ана шу буюк вазифани муваффақиятли суратда амалга оширишга интилмоқдамиз. Биз ўзимиз учун ғоят муҳим бўлган ана шу тадбирни амалга оширишда барча дўст мамлакатларнинг бераётган ёрдами ва ҳамкорлигини ҳамиша табриклаб келдик. Биз Совет Иттифоқи қудратли ва ривож топган иттифоқчимиз эканлигини биламиз, сизларнинг муваффақиятларингиз бизни қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Сизлар ҳам бизга нисбатан худди шундай муносабатда бўлаётганлигингизга аминмиз.

Мен сўзимни тамомлаш олдидан бу ердаги сафаримизни кўнгилли ўтказиш мақсадида қилинган ҳамма ишлар учун, бизларга кўрсатилган дўстона меҳмондўстлик учун ўзим билан бирга келган кишилар номидан самимий ташаккур изҳор қилишни истайман.

Қирол Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева сўзининг охирида Непал билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкам дўстлик учун, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин соғлиғи учун, барча совет раҳбарларининг соғлиғи учун, совет халқининг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Шундан кейин А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

### А. Н. КОСИГИН НУТҚИ

Ҳазрат олийлари, шу кабул марасимига таклиф этганлигингиз учун ва дўстона истакларингизга учун самимий ташаккуримизни қабул қилгайсиз.

Биз Сизнинг совет-непал ҳамкорлигининг аҳамияти тўғрисида ва бу ҳамкорликни ривожлантиришнинг қулай истиқболлари ҳақида айтган фикрингизга қўшиламиз. Совет-Непал муносабатлари тарихи узоқ тарихга эга бўлмаса ҳам, ҳар иккала мамлакат ўртасида қисқа вақт ичида фойдали ва ҳар томонлама алоқалар вужудга келди.

Непал ана шу алоқаларни ривожлантириш билан империалистлар ва уларнинг Непалдаги гумаштаси атайин вужудга келтирган узоқ вақт ажралиб, яккаланиб қолишнинг салбий оқибатларини тугатиш вазифасини ҳал этди деб ўйламоқ керак. Непалнинг халқаро ишлардаги роли бетарафлик, блокларга қўшилмаслик ва тинч-тотув яшаш сиёсатига мувофиқ бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилганлигини биламиз.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, унинг Непал билан муносабатларни ривожлантиришга интилиши аввало, халқаро майдонда кенг ҳамкорликни, жумладан, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олган мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва бу соҳада уларни қўллаб-қувватлаш йўли билан тинчликни мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилган ҳаракат билан белгиланди. Халқларнинг мустақиллиги учун, ҳуқуқий тенглиги учун кураш Совет давлати барпо этилгандан буён ўтган 53 йил мобайнида ўзгармас сиёсатимиз бўлиб келди.

Бу масалаларда Совет Иттифоқининг катта ва кичик мамлакатларга турлича муносабатларда бўлиши мумкин эмас. Биз ҳар бир халқнинг ва ҳар бир мамлакатнинг суверен ҳуқуқларини баб-баравар ҳурмат қиламиз. Бу — Совет Иттифоқининг сиёсати асосланган муҳим ленинча принципларнинг биридир. Бу принцип конституциямизга ёзиб қўйилган. Биз бу принципни кўп миллатли Совет давлати қурилишига асос қилиб олганмиз ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам шу принципга амал қилмоқдамиз.

Биз ҳар бир халқ ва ҳар бир мамлакатнинг тинчлик ва хавфсизлик ишига қўшаётган ҳиссасини ҳам ҳурмат қиламиз. Бунда халқаро вазиятга турли даражада таъсир кўрсатилиши мумкин, албатта. Аммо асосий гап бунда эмас. Неча ўнлаб давлатлар халқаро майдонда актив иш олиб бораётган ҳозирги пайтда тинчликни таъминлаш ва инсониятни тараққий эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяётган барча мамлакатларнинг куч-ғайратини бирлаштириш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Тинчликсевар мамлакатларнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун, уруш ва агрессия кучлари кирдикорларига қарши биргаликда қилаётган ҳаракатлари яхши натижалар бера олади ва бермоқда.

Сиз билан дўстона фикрлашиб олганлигимиз, Сизнинг Совет Иттифоқига қилган визитингиз Совет Иттифоқи билан Непал ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдириш учун асос бўлади. Совет ҳукумати ўз ҳамкорлигимизда ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўради.

Непал қироли шарафига қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз!

Қиролнинг ҳамроҳлари бўлган Непал давлат арбоблари соғлиғи учун!

Дўст Непал халқи соғлиғи учун, унинг муваффақиятлари ва равнақи учун!

Совет Иттифоқи билан Непал ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш учун!

Қирол Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева ва А. Н. Косигиннинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Нонушта-зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

### МАХЕНДРА БИР БИКРАМ ШОҲ ДЕВА НУТҚИ

Непал халқи, ҳукумати номидан ва ўз номимдан сиз, ҳазрати олийларига Непалга ва Непал халқига ўзингизнинг қизғин дўстона ҳисларингизни ифодалаб, ҳозиргина айтган самимий сўзларингиз учун ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Непал билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери икки мамлакатимиз ўртасида дўстлик алоқалари давом этиб келмоқда ва бу алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги бизни мамнун қилмоқда.

1958 йилда Совет Иттифоқига қилинган давлат визити тўғрисидаги ёқимли хотиралар ҳали эсимдан чиққани йўқ. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик совет давлат арбобларининг вақти-вақти билан Непалга ташриф буюраётганлари натижасида тағин ҳам кўпроқ кенгайда ва мустаҳкамланди, десам муболаға қилмаган бўламан. Худди шунингдек бизнинг бу расмий визитимиз ҳам икки мамлакатимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни тағин ҳам кўпроқ кенгайтиришга, турли проблемаларга баҳо беришдаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга олиб боришга аминмиз.

Непал—Совет Россиясидан бир неча минг миль наридаги ўнчалик катта бўлмаган мустақил мамлакат. Гарчи бизнинг мамлакатимиз жуда катта дўст мамлакатлар ўртасида жойлашган бўлса ҳам биз ўзимизнинг традицияларимизни, мустақиллигимизни ва суверенитетимизни сақлаб колишга муваффақ бўлдик ва бу тўғрида ҳар доим ғамхўрлик қиламиз. Дўст мамлакатлар билан бўлаётган муносабатларимизда қўшилмаслик йўлидан муваффақият билан бормоқдамиз. Биз ўзимизнинг миллий экономикамизни мустаҳкамлаш билан бирга ҳар доим ўз оёғимизда маҳкам туришга интилмоқдамиз. Бизда ҳеч кимга нисбатан ёвуз ниятлар йўқ. Бошқаларнинг ҳам бизга нисбатан ҳеч бир сабабсиз мана шундай ниятларда бўлишларига тоқат қилолмаймиз.

Шу сабабли биз непалликлар кай томондан бўлмасин, ички ишларга беҳожат аралашишларни ёмон кўрамиз ва бутун дунёда тинчликни сақлаб туришга ҳар доим интилмоқдамиз. Биз аниқ ифодалаб берган сиёсат принципларига мувофиқ биз билан ҳамкорлик қилишни таклиф этсалар ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Тошкентдаги заргарлик фабрикасининг маҳсулоти харидоргир. У ерда ишлаб чиқарилган безакли буюмлар севиб харид қилинади. Фабрика коллективи бу йил яна 80 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда: мастер А. Ваҳобов ўз шогирди М. Ҳанимова билан.

А. Авазов фотоси, (ЎзТАГ).



Республикамиздаги энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бўлган Оҳангарон ГРЭСи коллективи зиммасидаги топшириқларни доимо ўринлатиб бажаради. Улар янги беш йилликни ҳам муваффақиятли бошлашди. Беш ойлик электр энергия ишлаб чиқариш плани 102 процент бажарилди. Суратда: иссиқлик электр станциясининг машина зали.

И. Глауберзон фотоси.

## ХУШ ХАБАРЛАР

### САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА ҚУРИЛИШ

МАРҒИЛОН. Абрли газламаларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида «Атлас» фирмасида самарали иш олиб борилмоқда. Шу йилдан бошлаб янги абрли матоадрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йил камида 928 минг метр адрас ишлаб чиқариш кўзда тутиляпти. Адраснинг кўринниши атласга ўхшаб кетади. Унинг нусхалари атласнинг «якбаз» ва «хосиятхон» нусхалари асосида яратилган.

И. КАРИМОВ.

«ЎЗБЕКНЕФТЬ» бирлашмасига қарашли Чимён ремонт-механика заводи коллективи ўтган беш йилликни муваффақиятли якунлаган эди. Улар янги беш йилликнинг биринчи йили беш ойи товар маҳсулоти реализация қилиш планини ҳам ошириб адо этишди.

Меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб бормоқда. Бунга асосан меҳнатни илмий асосда ташкил этиш туфайли эришилмоқда. Сўнгги ойларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича етти тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилди.

М. ТУРОБОВ,
И. ОБЛОЕРОВ.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун меҳнат вахтасида туриб ишлаётган бундай пешқадам коллективлар ҳақида марғилонлик М. Дадажонов, бекободлик Б. Худоёров, урганчлик А. Эшматов, Б. Худойберганов, самарқандлик Қ. Худойқулов, А. Имомов, М. Қобулов, Р. Сатторов, тошкентлик Т. Шорахмедов, А. Дегтяров, Э. Комаровский, М. Ибаев, қаршилик А. Тўланов андижонлик М. Аҳмедов, М. Исаева ва газетхонлардан Р. Капанчиев, И. Сергеев, А. Назирхўжаев, В. Слпетерев, М. Ларькин, У. Қаршибоев ва Р. Муҳиддинов ўртоқлар хушхабарлар йўллашган. Шунингдек, съезд қарорларидан руҳланиб, янгича ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганлар ҳақида пайариқлик Я. Нуриддинов, нарпайлик С. Бекназаров, Х. Урунов, чустлик Т. Алиасқаров, беруниялик Б. Собиров, Ўзбекистон районидан О. Сафохонов, бойсунлик А. Маҳмадшоев ва ангренлик В. Ўлмасбоев, А. Билолов ўртоқлар ҳам редакциямизга хат-хабарлар ёзиб юборишган.

## ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

БЕРЛИН, 17 июнь. (ТАСС). Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съездида партия Марказий Комитети номидан Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер қилган ҳисобот докладни ва партия Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом этмоқда.

Съезднинг иши марксчи-ленинчи партия бирлиги ва жипслигини намойиш қилмоқда, унинг социалистик қурилишдаги раҳбарлик ролини яққол исботламоқда.

Амалий ва конкрет музокара давомида Германия Демократик Республикаси коммунистларининг вакиллари ривожланган социализм ижтимоий системасини қуриш, ўз социалистик Ватанини янада ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ғоят турли-туман масалалари устида тўхталиб ўтмоқдалар. Улар тинч бунёдкорлик меҳнатидаги муваффақиятлар тўғрисида фахрланиб гапирмоқдалар, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашнинг туб масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Съезд делегатлари КПСС XXIV съезди қарорларининг буюк илҳомбахш кучини, Улуғ Октябрь мамлакати ленинчи партиясининг жуда бой тажрибаси бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри армия генерали Г. Гофман ГДРнинг миллий халқ армияси шонли Совет Армияси билан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий кучлари билан биргаликда ГДР меҳнаткашларининг социалистик ғалабаларини қўриқлаб турганлиги, тинчлик ва социализм ишини қўриқлаб турганлиги тўғрисида уқтириб гапирди. Нотиқ партия билан ҳукуматнинг Германия тарихида биринчи ишчи-деҳқонлар давлати армиясининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш тўғрисида кун сайин катта ғамхўрлик қилаётганлигини қайд этди. ГДР қуролли кучлари, деб таъкидлади министр, Совет Армияси ва бошқа социалистик мамлакатларнинг армиялари билан яқин қуролдош қардошлик. Ўртоқларча ҳамкорлик алоқалари билан боғланган-дир.

## ҚАРДОШЛИК МАДҲИ

### ТАҚРИЗ

Шеърият, хусусан, достон жанри Мирмуҳсин ижодида ҳамон етакчи ўрин олиб келмоқда. Яқинда унинг достонлари қаторига яна бир эпик асар қўшилди.

Шоир «Невара» деб аталган бу янги асарида[1]) ҳозирги ҳаётимиз учун ғоят характерли бўлган реал картиналарни чизади ва шу йўл билан катта ижтимоий, эстетик масалаларни олға суради. Китобхонлар дилига— руҳига оҳангдош бўлган зарур гапларни айтади.

Достонда автор қардошлик, халқлар дўстлиги масалаларини кўтариб чиқади. Пролетар интернационализми ғояларини улуғлайди. Ўқувчи унда ҳаётнинг ўзидагидай жонли ва тўлақонли одамларни, улкан қалбли, олижаноб ва ғоят оддий қаҳрамонларни кўради. «Шаҳар чети овлоқ кўча, кўҳна маҳалла бўйлаб», кимнидир ахтариб юрган аскар йигит — асарнинг бош қаҳрамони билан умумий тил топишиб, у ҳам аста-секин йўлга тушади. Унинг билан бирга боғ-ховлиларга назар ташлайди, қаҳрамоннинг ният-мақсадини билишга қизиқади. «Солдат йигит — ўрис бола» бу ерларда нима қилиб юрибди?

Балки мажнун, ўзбек қизи
Қалбига солмиш туғён.
Тополмасдан у юлдузни
Ишқ ўтида ёнар жон?...
Кимни излар? Нима иш?
Ким ўзи? Нима оти ?

Ниҳоят, бу «сир» у излаб юрган кишининг топилиши билан очилади. «Солдат йигит — ўрис бола» бегона эмас, бирорта ўзбек қизига ишқи тушган «мажнун» ҳам эмас, балки Улуғ Ватан уруши йиллари, немис-фашист боскинчиларига қарши жанг қилиб, ҳалок бўлган ўзбек йигити Аҳмадбекнинг ўғли Аскарбек бўлиб чиқади. Аскарбек ота юртини, ота авлодини қидириб келган. У бу ерларда биринчи бор бўлиши. Бувиси Норбибини биринчи марта излаб келиши. Шунинг учун уни топишга қийналади.

Кўринишдан жуда оддий туюлаётган бу воқеа заминида қанчадан-қанча маъно бор. Шоир тасвир этган воқеалар тақозоси билан воқелигимизда ўз ўрнига эга бўлган ҳаёт ҳақиқатининг айни ўзи. Бўлган ва бўлиши мумкин бўлган реал ҳодисалар. Асар қаҳрамонларини реал ҳаётнинг ўзидагидай жонли муносабатларга киритиш йўли билан муаллиф совет тузуми ва унинг фазилатларини тараннум этади. Чиндан ҳам ахир, миллий урф-одати ва анъаналари турлича бўлган кўп миллионли каттаю-кичик халқларни буюк бир оилага жам этган худди мана шу совет тузуми эмасми? Агар шундай бўлмаганда, ўзбек йигити Аҳмадбек ҳарбий хизматни ўташ учун Брест шаҳрига борармидию, рус қизига кўнгил бериб, унга уйланармиди? Агар шундай бўлмаганда ундан ёдгор колган зурёдни унинг хотин авлодлари бунчалик меҳру-муҳаббат билан тарбия қилармидию ота юртига ўғллаб қариндошларини излаб топишни тайинлармиди? Агар шундай бўлмаганда «кўзи кўк, қоши камон, сочи барра-жингала» ўрис бола етти ухлаб тушида кўрмаган ўзбек қариндошларини бунчалик ташнаи зорлик билан қидириб юрармиди? Йўқ албатта! Норбибининг арслон келбат ўғли Аҳмадбекни «Брест боғларида» сайр қилдирган ҳам, бу гўзал боғ гулларидан бири бўлмиш Мария исмли қизга унинг муҳаббат капалагини қўндирган ҳам, Ватан мудофааси йўлида ҳар иккисевишганларнинг мардона жон бергانлиги ҳам, улардан колган мўғғак ўғилга нисбатан қариндош-уруғлар муҳаббатини уйготган ҳам, уни ота авлодларини излаб топишга йўллаётган ҳам — ҳамма-ҳаммаси худди ана шу тузумимиз шарофатидир. Ана шунинг учун ҳам саксон яшар кампир Норбиби «рус невара»сининг излаб келганидан боши осмонга етгудай бўлиб қувонади. Гўё ўлган Аҳмадбек тирилиб келади.

Шоир она қалбини, унинг фарзанд доғидаги ўртанишларини, кутакута кўзлари хиралашганини унинг ўз тилидан самимий ва жонли чизади.

Шоир онани улуғлайди. Норбиби тимсолида кексаларга хос соддалик, оналарга хос меҳр-муҳаббатни, оқ кўнгиллиликни, ширинсуханликни, заковатни, ўзбек онахонлари характерига хос хусусиятларни кўрсатади. Воқеалар ривожи оддий она образини шунчалар юксакликка кўтаради-ки, биз энди унинг тимсолида бир-икки фарзандни тарбиялаб етиштирган оддий она қиёфасини эмас, минглаб-миллионлаб азаматларни вояга етказган минглаб оналар образини — она-Ватан рамзини кўргандай бўламиз.

Шоир она характерини очиш билан боғлиқ бўлган барча воситалардан усталик билан фойдаланади ва шу йўсин ўз ғоявий мақсадини очиб беришга муваффақ бўлади. Совет халқларининг бир оила фарзандларидек аҳиллиги ва дўстлигини, уларўртасидаги қон-қардошлик муносабатларини улуғлайди. Шунинг учун ҳам бу асарни катталар ҳам, ёш ўқувчи болалар ҳам бирдай завқ билан ўқийдилар.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу асар Мирмуҳсиннинг достончилик бобида қўлга киритган яна бир янги ютуғидир.

Ф. НАСРИДДИНОВ.

[1]) Мирмуҳсин. «Тонгни қутлаб», шеърлар ва достонлар. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил.

## СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

### ЮҚОРИ ИШ УНУМИ БИЛАН

ЦЕЛИНОГРАД. Областдаги «Степняк» совхозининг тракторчиси Е. Богдусевич уруғ сепишда рекорд кўрсаткичга эришди. У олти сеялка осилган «Казахстанец» тракторида ҳар куни 150 гектар ерга уруғ сепаётир. Яқинда Е. Богдусевич бир кунда 163 гектар ерга уруғ сочди. Бу тўрт нормадан зиёд.

Илғор тракторчи икки минг гектар ерга уруғ сочиш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Одатда «Казахстанец» тракторига бештадан сеялка осилар эди, Богдусевич эса унга яна битта сеялка қўшди. Қудратли машина олтинчи сеялкани ҳам бемалол тортаверди. Моҳир механизатор шу кунга қадар минг гектардан ортиқ ерга дон сочиб қўйди.

### ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШ ҚИЗҒИН

АШХОБОД. Туркманистоннинг жанубидаги хўжаликлар мактажўхорини барвақт экиб қўйганликлари учун уни қисқа муддатларда ундириб олиб, парваришни қизитиб юбордилар. Ўсимликлар комплекс озиқлантирилмоқда.

Кўпгина районларнинг хўжаликлари бошоқли экинлардан бўшаган ерларга ҳам маккажўхори экиб, қўшимча равишда икки ҳосил олишни мўлжалламоқдалар.

Республика чорвадорлари 565 минг тонна силос бостириш мажбуриятини олдилар. Бу ўтган йилдагига қараганда уч баравар кўпдир.

ДОНЕЦК. Область хўжаликлари пичан ўришни бошлаб юбордилар. Шунингдек, жавдар билан беда ҳам ўрилаётир. Бу ерда бўлиб ўтган ёғингарчилик ўтларнинг тез ўсишига катта имкон берди.

Ем-хашак жамғаришда икки мингдан ортиқ сенокосилка ва силос комбайнлари ишламоқда. Область механизаторлари ғалла ўрим йиғимига яроқсиз, деб топилган тўрт юздан ортиқ комбайнларни пичан ўришга мослаштириб, чорва моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратмоқдалар.

ХАНЛАР, Озарбайжон ССРнинг Прикуринск водийсида бедани ўришга киришилди. Бу ернинг бедазорларидан ўрта ҳисобда гектаридан 25 центнердангача кўк масса ўриб олинаётир. Бу ердаги суғориладиган ерлардаги бедазорлардан мавсум давомида 4-5 мартадан ўриб олинади.

Механизациялашган звеолар бедани ўриш билан бирга уни ўзлари йиғиштириб, чорва фермаларига ўз вақтида ташиб келтираётирлар. Бедаси ўриб олинган ерлар пешма-пеш суғорилмоқда.

*Журналист ён дафтаридан*

# ҚИЗИЛҚУМ БЎЙЛАБ...

## 2. МУРУНТОВ АФСОНАСИ

«Бахт йўли» деб аталмиш ўша магистрал бизни Томдидан навқирон Зарафшон шаҳрига, ундан эса дунё қитъаларидаги жуда кўп тилларда ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан тилга олинаётган Мурунтов олтин конларига олиб келди.

Шу ерда, очиқ карьерлар олдида бир ишчи Қизилқум билан Мурунтов қақидаги қизиқ бир афсонани айтиб берди. Эмиш, Мурунтов истарали, ақлли, девкор алп йигит, Қизилқум эса, жуда кетворган, ҳусну латофатда тенги йўқ соҳибжамол қиз бўлган. Йигит қизга ошиқу-беқарор экан. Кунларнинг бирида у қизнинг пойларига тиз чўкиб, севгисини изҳор қилибди.

«Майли, сенга тегишга розиман, — дебди қиз, — лекин битта шартим бор: тўй куни менга катта олтин хазина инъом қиласан. Шуни уддаласанг, кеникиман».

Йигит шартни қабул қилиб, йўлга тушибди. Бирикки йил йўқ бўлиб кетиб, кунларнинг бирида соҳибжамолнинг олдида пайдо бўлибди. У чиндан ҳам катта хазина билан қайтган экан. Лекин қизнинг чеҳраси очилмабди.

— Кечикдинг, мард йигит. Мен аллақачон турмуш қурганман. Тенгингни топа қол...

Гўзал қизнинг беқарорлиги ва субутсизлигидан дарғазаб бўлган йигит қалби жўнбушга келибди. У висол умидида сарсон-саргардон бўлиб тўпланган олтинларига афсус билан тикилиб қолибди. Уларни бевафо гўзалга қолдириб кетишни ор билиб, «мана бўлмаса, мана, мана!» деб жаҳл билан ҳар томонга сочиб ташлабди...

— Ўша олтинларни мана энди биз териб оляпмиз, — дейди ҳамсуҳбатим карьерларга ишора қилиб.

Аммо, уни «териб олиш» айтишга осон. Очиқ карьерлар тепасидан туриб қўйига қараган киши пастда неча ўнлаб қудратли экскаваторлар ялтироқ пўлат «чўмич»лари билан ҳавода ярим доира чизиб, маъдан қатламларига тинмай панжа ураётганини, кузовлари ҳом ашёга тўла юзлаб кучли самосваллар бўғиқ ўкириб, тепаликка тирмашаётганини, яна бошқа хилма-хил машина ва механизмлар гулдурос солиб ўрмалаб юрганини кўриб, бу кўлами кенг, суронга тўла жонли панорамадан лол бўлиб қолади.

Шу пайт пастда бир йигит экскаватордан сакраб тушиб, қандайдир челакни боши узра кўтаргани ва ундаги сувни устидан қуйиб юборганини кўрдим. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Қизилқумнинг 55 даражага етадиган ҳарорати ўзини кўрсатадиган кунлар яқинлашаётган эди-да ўшанда. Қизилқумнинг жазирама офтоби, бунинг устига моторлар тафтидан қорайиб кетган кишиларнинг бу қуйди-пишди ишлари Мурунтов жаҳл билан сочиб юборган олтинларни териб олишнинг ибтидосигагина ўхшайди... Чағир маъданлар таркибидаги кўз илғамас олтин зарралари яхлит қуйма ёмбиларга айлангунча, эҳҳе, қанча-қанча процесслардан ўтиши керак.

Биз олтин саралаш фабрикасида бўлганимизда худди ана шундай жараёнларни кўрдик. Қудратли агрегатлар йирик харсанг маъданларни ун тортаётгандек майдалаётганини бир тасаввур қилинг. Олтин зарралари мана шу унлар орасида... Биз бу ўринда олтин саралашдаги барча технологик ишлар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Металлар орасида энг оғири — олтин эканлиги кўпчиликка аён. Олтин ажратишдаги барча процесслар, қудратли механизмлар, ғоят мураккаб, комплекс ишлаб чиқариш жараёнлари кучли сув босими воситасида амалга оширилаётганини ҳайрат ичида кўздан кечирдик. Эндигина пресс қолипидан чиққан, ҳали тафтиям кетмаган яхлит Мурунтов олтинини қўлга олиб кўрарканмиз, бўлажак олтин конларига илк бор чўкич урган геологдан тортиб, фабрика тегирмончисининг хизматигача — барча баҳодирона ишлар кўз ўнгимиздан бир-бир ўтгандай бўлди. К. Мерзляков, А. Герман, А. Бурян, В. Жерибилов сингари неча ўнлаб, юзлаб касбига садоқатли кишилар Ватанимиз бойлигини ошираётган ана шундай баҳодирона меҳнат соҳиблари саналадилар.

Биз Қизилқумнинг маркази — Зарафшон шаҳрига келганимизда қош қорайиб, шаҳар ваҳимали сахро ўртасида Ильич шуълаларига чўлғаниб, афсонавий манзарага ўхшаб кўринарди. Шунинг учун ҳам уни афсонавий манзарага ўхшатяпмизки, беш йилнинг нарёғида бу ерда шаҳар у ёқда турсин, бирорта қаққайган кулба ҳам йўқ эди. Унинг ўрнида тинмагур геологлар палаткалари-ю, эртадан кечгача теолодит объективларидан бош кўтармайдиган сомон шляпали муҳандисларнигина кўриш мумкин эди. Мана ўша ерда бугун замонавий, ҳар жиҳатдан мукаммал шаҳар барпо бўлди. Афсонавий суръатлар билан барпо бўлди! Олтинпазлар ўз шаҳарларига Зарафшон деб жуда чиройли ном беришибди.

Қизиқ, нега Зарафшон деб аталди экан, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бунинг сабаби бор. Тарихий манбаларда таъкидланишича, қадим замонларда Зарафшон дарёси Қизилқумни кесиб ўтган экан. Қизилқум эса бу наҳрдан баҳраманд бўлиб, гуллаб-яшнаган, обод ўлка экан. Кўп жойларни, жумладан ,Ўрта Осиёнинг асосий қисмини забт этган Искандар Зулқарнайн бу ўлкани олишга келганда ожизлик қилиб қолибди. Туб аҳоли ҳар қарич ер учун жон олиб-жон бериб курашиб, енгилмас деб ном чиқарган фотиҳнинг силласини қуритиб юборибди. Шунда Искандар ҳарбий ғирромлик қилибди. У аҳоли қаршилигини синдириш учун Зарафшон дарёсини тўсиб ташлашни буюрибди. Амри подшо — вожиб деганларидек, Зарафшон ўзанини ўзгартириб оқа бошлабди... Шундай қилиб, оби-ҳаётсиз қолган, одамнинг нафаси ариган ўлка мана шундай аянчли қиёфага кириб қолган экан. Лекин бизнинг замондошларимиз қачонлардир машҳур дарё оқиб ўтган сахро тақдирини ўзгартирдилар, ундаги янги шаҳарга ўзининг номи, яъни Зар тарқатувчи дарё номини топиб қўйдилар.

Фотиҳлар қадами теккан жойлар, шаҳарлар ер билан баробар қилингани, дарёлар қуритилгани тарихда кўплаб қайд қилинган. Бироқ табиатан бунёдкор бўлган бизнинг тузумимиз ўша ур-йиқитлар туфайли табиатнинг ногирон бўлиб қолган жойларига малҳам қўяётир. Бунга яна шу Қизилқумнинг ўзидан мисол келтирамиз. Зарафшон дарёсининг эски ўзанидан ҳозир ному нишон қолмаган бўлса ҳам, бу шаҳарга темир қувурлардан бир дарё дед атаулик шарқироқ сув келяпти. Неча юзлаб чақиримлардан айқириб келаётган бу сув гигант корхоналарни ҳаракатга келтиряпти, шаҳарларни яшил либосга буркаяпти.

Сафаримиз қариб, «Бахт йўли» орқали Зарафшондан Навоийга томон бораркамиз, йўл-йўлакай туялар тўдаларига кўзимиз тушди. Улардан энди улов сифатида деярли фойдаланилмайди. Қаранг-а, неча минг йиллардан бери инсоннинг ҳожатбарори бўлиб келган бу заҳматкаш жонивор хизматига эҳтиёж қолмабди... Лекин, биз бундан ўкинмаймиз, аксинча, завқланамиз. Ахир, Қизилқумнинг танобини тортиб кўйган «Бахт йўли»да турна қатор бўлиб қатнаётган автобуслар минглаб кишиларнинг ҳожатини чиқараётган бўлса, ундаги янги шаҳр ва йирик қурилиш объектларини бир-бири билан боғлайдган пўлат изларда тепловозлар елиб турган бўлса, ҳаво трассаларида тезучар пассажир самолётлар парвоз этаётган бўлса, «сахро кемалари» бўлмиш туялар хизматига зарурат қолармиди!

Қизилқум — турли-туман афсоналарга бой маскан. Афсоналар одатда ҳақиқатдан йироқ бўлади. Лекин Қизилқум бағрида — Томди ва Учқудуқда, Мурунтов олтин конлари ва Зарафшон шаҳрида меҳнат қилаётган, ўй ва хаёллари, фикр ва туйғулари уйғунлашиб кетган турли миллат фарзандлари шундай улкан ишларни амалга оширишяптики, бунинг кўлами ва суръатига қараб туриб, афсоналарни ҳақиқатга айлантираётганлар — мана шу одамлар дегиси келади кишининг. Дўстлик, интернационал руҳ ҳукмрон бўлган жойда ҳар қандай стихия ва қийинчиликлар ҳам чекиниб, афсонавий ишлар амалга оширилишини шу ерда аниқ-равшан кўрдик.

**Охунжон ҲАКИМОВ,**
**Зарафшон — Тошкент.**

**ТОШКЕНТ химия-фармацевтика заводи ходимларини ҳам саломатлик посбонлари деб аташ мумкин. Улар томонидан тайёрланаётган кўплаб дори-дармонлар беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Суратда: заводнинг илғор ишчиларидан Е. Лазовская, А. Розова ва Т. Борисовалар.**

**А. Тўраев фотоси.**

## СОВЕТ—МОНГОЛ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Монголия Халқ революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирланмоқдалар. Республикада бу муҳим санага бағишланиб монгол-совет дўстлиги ойлиги ўтказилади.

Шу ойлик вақтида корхона, колхозларда ва муассасаларда йиғилиш ва кечалар ўтказилади, Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг социалистик қурилишдаги муваффақиятларини кўрсатувчи виставкалар очилади. Тошкентда, Бухорода ва бошқа бир қанча шаҳарларда монгол кинофильмлари фестивали ўтказилади.

Совет — Монгол дўстлиги ойлиги муносабати билан 15 июнда Тошкент шаҳри жамоатчилигининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда сўзга чиққанлар совет-монгол дўстлигининг мустаҳкамлиги тўғрисида зўр мамнуният билан гапирдилар, қардош мамлакат меҳнаткашларига социалистик қурилишда янги муваффақиятлар тиладилар.

(УзТАГ).

# ДАВ ХБОРОТ

ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

## ТРАХОМАГА ҚАРШИ МАЛҲАМЛАР

Трахома дардига чалинган беморларни ўтмишда даволаш осон бўлмаган. Бу дардни йўқотиш борасида ҳозир медицина фани ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Трахома йилдан-йилга чекиниб боряпти. Москвадаги химия-фармацевтика заводи трахомани даволаш мақсадида янги малҳамлар ишлаб чиқаришга киришди. Мамлакатимизда биринчи марта чиқарилаётган бу малҳамнинг хосияти катта. Унинг ёрдамида касалнинг енгил ўтиши, баъзи ҳолларда олдини олиш мумкин. Малҳам асосан антибиотиклар — биомицин, тетрациклин ва террамицинлардан тайёрланади.

## АВИСАН

**Харьковдаги химия-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилаётган янги шифобахш препарат «Ависан» номини олди.**

**Одам буйрагида ва бошқа организмларда пайдо бўладиган турли ҳажмдаги органик тошларни ависан препарати эритиб юбориши ва касалнинг енгил ўтишида қўл келаётганлиги аниқланди. Энг муҳими шундаки, кучли оғриқ билан ўтадиган бу касаллик жарроҳнинг ёрдамисиз даволаняпти. Бунинг учун бемор, албатта, врач назоратида бўлиши ва унинг кўрсатмаларига мунтазам амал қилиши лозим.**

## ЭХИНОР

**Бутуниттифоқ доривор ва ҳушбўй ўсимликлар илмий текшириш институти олимлари ҳар хил шифобахш гиёҳлардан «Эхинор» деб аталувчи дорн яратдилар. Болаларда кўпроқ учрайдиган муртак (ангина) касали сурункасига ўтиб кетган кезларда юрак қон томирлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши ва асорат қолдириши медицинага маълум. Эхинор эса худди ана шундай ҳолатларнинг олдини олишда фойдаси кўпроқ тегаётгани тажрибада синаб кўрилди.**

**Эхинор суюқ ҳолда ишлаб чиқарилади, Фойдаланишда эса, врач маслаҳатига кўра томчилаб ичилади. Муртак касаллигининг ҳар қандай формаларини даволашда ҳам янги дори ўз кучини кўрсатди.**

## ҚАЛАМПИР ПЛАСТИРИ

**Болаларингиз шамоллаганда ёки танангизнинг бирор ерида оғриқ пайдо бўлганда, дорихоналарда кўплаб топиладиган горчичникдан фойдаланган бўлсангиз керак. Воронеждаги химия-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилаётган қалампир пластири ҳам худди ана шу мақсадда ишлатилади.**

**М. УСМОНОВ,**
**доришунос.**

*Ўзбек пахтакори чет элда*

# ДЕҲҚОН ҒУРУРИ

Ватандан узоқда юрганингда ўзингни алланечук ҳис этасан. Юртингни қўмсайсан. Кўрган-кечирганларингни ўзинг туғилиб ўсган жойдагилар билан қиёслайсан, баҳолайсан, хулосалар чиқарасан. Аҳмаджон ҳам Болгария Халқ Республикасида бўлганида шундай туйғуларни бошдан кечирди. У Ўзбекистонлик сайёҳлар билан Болгарияга сафар қилган кунлари ҳамма нарсага қизиқиб қаради. Ўзи деҳқон йигит бўлганиданми, болгар дўстларимизнинг ердан фойдаланиш тажрибаларига кўпроқ қизикди.

Сайёҳлар қишлоқ хўжалиги ходимлари бўлганлиги учун бизни болгар дўстларимиз деҳқончилик билан шуғулланувчи кооперативларга ҳам тез-тез таклиф қилиб туришди. Велико-Тирново округининг Килифарево қишлоғида республикада биринчилар қатори ташкил қилинган Трифон Саралиев номли кооперативдаги учрашувларимиз унутилмас таассуротлар қолдирди. Болгар деҳқонлари дунёга пахтачилик билан ном таратган Ўзбекистон деҳқонларини жуда очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Тўкин дастурхон атрофида қизғин суҳбат бўлди. Кооператив раиси Кинчо Димитров дастлабки қадаҳни болгар ва ўзбек деҳқонлари алоқаларининг яна ҳам мустаҳкамланиши учун кўтаришни таклиф этди.

Ўзаро танишув, қизғин суҳбат чоғида Трифон Саралиев номли кооператив деҳқонлари билан Ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги ходимлари яқиндан танишиб олдилар. Кооператив раиси ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг ўтган йилги ютуқлари, бу йилги режалари, коллектив хўжалик тузилишининг афзалликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Улар ҳам деҳқончилик қилишади. Галла экишади. Чорвачилик билан шуғулланишади. Мевачилик ва узумчиликдаги ютуқлари ибратли. Ўзлари етиштирган узумдан вино тайёрлаб чиқаришнинг усталари.

Суҳбат давомида ўзбекистонликлардан Аҳмаджон Бердиев сўраб қолди:

— Хўжалигингизнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоғи қайси?

Шунда Кинчо Димитров бажонидил жавоб қилди:

— Ерларимизнинг кўпи тоғ яқинига жойлашган. Узумчилик хўжалигимизда каттароқ тармоқ ҳисобланади. Очиғини айтсам, тоқ кўчати етиштириш хўжалигимизнинг ўзига хос рўзғорида серфойда соҳа бўлиб қолди. Кооператив оладиган йиллик даромаднинг 40-50 процентини ток кўчатлари етиштириб сотишдан оламиз. Биз кўчат қилиб экиладиган ток навдаларидан анчагина қисмини Совет Иттифоқига ҳам экспорт қиламиз. Ток навдаларимиз яхши тутиб, тузук ҳосил бераётгани хусусида Озарбайжон, Арманистон, Молдавия, Грузиядан миннатдорчилик мактублари олиб турамиз.

Шунда бу кооперативнинг аъзолари Аҳмаджондан ўз ишлари тўғрисида батафсил беришни жуда-жуда истаётганликларини айтишди. Таржимоннинг ҳам ҳожати бўлмай қолди. Рус тилида бемалол суҳбатлашардик. Аҳмаджон Бердиев Қашқадарё областидаги Ғузор районига қарашли Карл Маркс номли сердовруғ колхозда ишлайди. Бир нафас нималар ҳақида сўзлашини ўйлаб қолди.

... Бизнинг ерларимиз ҳам тоғга яқинроқ жойларда. Иқлими Болгарияникига қараганда иссиқроқ. Катта-катта пайкаллар. Йил сайин ергаер қўшилиб бормоқда. Айниқса, Пачкамар сув омбори қурилгандан кейин пахта ҳосилдорлиги кескин даражада ортди. Илгари бу жойлар шартли суғориларди. Сув мўл бўлганидан сўнг пахта кони бўлиб қолди.

Ўн йилдан буён бригада бошлиғиман. Шу йиллар ичида Совет ҳокимияти деҳқонга улкан қиммат кўрсаташ ва ирригация иншоотлари қуриб пахтачиликнинг равнақига маблағ ажратганлиги учун беҳад миннатдормиз. Пахта — қуёшсевар ўсимлик. Сув билан етилади, етишади. Минерал ўғит хирмон тўғини баракали қилади. Ишчилар сингари сув иншоотлари қуриб беришдан ташқари, деҳқонларга минерал ўғитлар етказиб бериш билан ҳам мақтовли кўмак бераётир.

Бригадаси ҳақида айтай деса, «мақтангудек бўлармикан» деган мулоҳазага борди. Шунда Аҳмаджон Бердиев билан бир колхоздан келган механизатор Ашур Мейлиев унинг тили учида турган гапларни болгар деҳқонларига ғурурланиб ҳикоя қилди:

— Коммунист Аҳмаджон колхозимизнинг донгдор бригадирларидан. Ҳосилдорликда ҳамиша колхоз бўйича биринчиликни эгаллаб келяпти. Ўтган йили давлат билан шартнома тузилган 30 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 30 центнердан олтин ундирди. Бу, 60 гектар ердан 360 тонна ҳосил етиштирилди, деган гапдир. Тўқимачилик саноатимиз талабларига мос келадиган сифатли пахта етиштиради. Бултурги ҳосилнинг 95 проценти нуқул биринчи сортларга топширилди.

Унинг бригадаси ўтган йилги меҳнати эвазига 187 минг сўм соф даромад олди. Пахта етиштиришдан кўрилган фойданинг ўзи уч кам 100 минг сўмга етди. Пахта етиштиришнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Аҳмаджоннинг эсида бўлса керак. Ёз ойларида ғўзага кўк қурт балоси оралаб қолди. Шунда олимларимиз ва ишчиларнинг меҳнати билан яратилган гексахлораннинг 12 процентли аралашмаси пуркалди. Ширага қарши курашда ҳам қимёвий усулдан кенг қўлланилди.

Йил бўйи астойдил меҳнат қилиш, пахта хирмонини юксалтириш учун қилинган ҳаракатлар яхши натижалар берди. Колхозчиларнинг даромади ундан олдинги йилдагига қараганда кўпайди, ўртача ойлиги 200 сўмга, яқинлашиб қолди. Боя ўзи ҳам айтди: ҳосилдорлик Пачкамар сув омбори шарофати билан муттасил кўтарилиб боряпти. 1967 йилда —сув омборидан дастлаб фойдаланилганида гектар бошига олинган пахта 49,5 центнерданга тўғри келганди. Ундан кейинги йили 54 центнердан ҳосил олинди. 1969 йили гектар ҳисобига етиштирилган пахта 58 центнерданга айланди. Пахтанинг таннархи арзонлашиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳар центнер ҳосил етиштиришга кўзда тутилганига қараганда 4 сўм кам сарфланди.

— Пахтачиликка қизиқиб қолдик, — деди мезбонлардан баланд бўйли, оқ сариқдан келган киши. — Аҳмаджон, айтингчи, Сизнинг бригадангизда пахта етиштириш билан шуғулланувчи қандай касбдаги кишилар ишлашади?

— Механизатор — пахтачиликда суянган тоғимиз, — деди Аҳмаджон ғурур билан. — Ишимизнинг асосий кўпчилиги механизмлар билан бажарилади. Бригадамиз Меҳнат Қизил Байроқ орденли механизатор Қудрат Жалолов билан ҳамиша фахрланади. Теримчиликда Майрам Олимовага тенг келадигани бўлмади. Сувчилик — Барат Мўминовнинг севган касби. Ғўзанинг айни сув талаб бўлган кезларини жуда яхши пайқайди. Шундай кезларда кечалари ҳам ғўза ичидан чиқмай, уни сувга қондириш ҳаракатини қилади. Сайим Маҳкамов, Улаш Ҳамроев каби колхозчиларимиз ҳам пахта учун курашда бригадамиз коллективининг шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Қорачадан келган, ўрта бўйли болгар йигити ўрнидан турди. Ўзининг айтишича, чорвачилик билан шуғулланаркан.

— Аҳмаджон — яхши бригадирлардан экан. Ўн йилдан буёнги иш даврингизда қандай мукофотлар олгансиз? — деб қолди у.

Аҳмаджон — камтар йигит. Шунинг учун бундай саволга жавоб беришга ийманади. Қип-қизариб кетгани ҳам шундан бўлса керак. Буни пайқаган Ашур Мейлиев жавоб қила қолди:

— СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин, кумуш, бронза медалларини олган. «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан тақдирланган. Республика Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мусобақада ғолиб чиққанлиги учун унинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» медали безади. Область партия комитетининг пленум аъзоси, область Совети депутати.

Ўзбекистонликларнинг пахтачилик ҳақидаги ҳикоялари дўстларимизда яхши хотира қолдирди. Кеча Ғузорга телефон қилдик. Дунё кезиб келган, Европада бўлган Болгария Халқ Республикасида саёҳат қилган пахтакор Аҳмаджоннинг бугунги ишлари билан қизиқдик. Колхоз раиси Очил Кўчкинов Аҳмаджондан мамнун бўлиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Ғўзалари текис яганадан чиққан, баравж. Иккинчи парваришни бошлаб юборди. Айрим пайкалларга сув тараляпти. Бу йил гектаридан 62 центнердан пахта олиш ҳаракатида. Болгариядан қайтгандан кейин Аҳмаджон Бердиевнинг кўксини Октябрь революцияси ордени безади. Бу, унинг ўтган беш йилликда пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун берилган муносиб мукофот. Қисқаси, Аҳмаджоннинг ишлари яхши.

— Яхши бўлсин, — дедик биз ҳам.

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ЛАВҲА



Чирчиқ шаҳрининг жамоли кундан-кунга очилиб, янги кўркам бинолар билан безанмоқда. Суратда шаҳар марказидаги Маданият саройи тасвирланган.

**И. Глауберзон фотоси.**

# ЧЎЛПОНОЙ ОРЗУЛАРИ

Чўлпоной йигирма йилдан бери бошчилик қилаётган бригада даласида уват ёқалаб битта-битта қадам босиб боряпмиз. Ҳали қуёш уйғонгани йўқ. Дунёда дала аҳлидан эрта уйғонадиган кишилар бўлмаса керак. Мана шу аёл ҳам ҳеч вақт тонг отгунча эркаланиб ўрнида ётганимини деб ўйлайман. Чўлпоной «уйқудаги малика» деб таъриф-ланган гўзал водийда катта бўлди. Қўлида Раҳимаси, бошида нонуштаси билан неча марта ўтдийкин мана шу йўлларидан? Неча сарфайз баҳорни соҳибкор сифатида кутиб олди? Дилига шунча севинч бахш этган табиатдан лаззатланар ва уни ўз меҳнати билан безашга интиларди.

— Чўлпонойнинг суяги меҳнатда қотган, — дейди Миробид бува. Соқоли кўксига тушган, қора чопони устидан қийиқ боғлаб от устида адл ўтирган бу кишига қараб, бу одам ерга ҳам, кишиларга ҳам аниқ баҳо беришини англаш мумкин.

Баҳор, чигит, умид, пахта — булар шу дамда Чўлпонойнинг бутун борлиғига айланиб кетган.

Одатда меҳнатдан бахтини топди, пахта унга шону шуҳрат келтирди деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Кўм-кўк уватга чўкиб Чўлпонойнинг табиатдай содда, баҳордай серфайз суҳбатини тингладим. Чўлпоной қўлига ушлаган тупроқда озор бермасликка интилгандек кафтида сийпаларди.

— Онам борлар. Отлари Ойбиби. Ҳозир етмиш олтидалар. Кеча бир чўнтак ялпиз теріб бордим. Кўкатлардан қўшиб кўк чучвара қилиб бердим. Бироз хасталар. Шу аҳволда ҳам кўпинча менинг ташвишимни чекадилар. Вақтида дам олдимми, вақтида тамадди қилдимми... тавба, мен ҳали ҳам у кишига ёш боладек. Менинг бўлса кўнглим далада. Ҳув ана у ер, кўраяпсизми, ўриклар таги-чи, ўша ерга бу йил биринчи марта чигит экдик.

— Соялик қилиб қолмасмикан? — сўрадим мен.

— Йўқ. Ўтган йилларда худди шундай ерга қўрқа-қўрқа чигит тикдик. Ёмон бўлмади. Бошқа ерларга нисбатан эътибор кўпроқ бўлдими, ёки ўзи энди экилгани учунми, қайтага бошқа ерлардан яхши бўлди. Еримиз 75 гектар эди. Бу йил йигирма гектарини алмаштириб экиш учун бедазорга айлантирдик. Шу сабаб мана ўрикзордан яна ўн гектар қўшиб олдик. Ёшу-қари, илмли агроном ҳам, оддий теримчи ҳам, ҳозир бизда алмаштириб экиш тарафдори. Йил бўйи меҳнат қилиб вилт касридан ғўза вояга етганда фақат ғўзапоянинг ўзигагина эга бўлиб қолиш колхозчининг ич-этини сидириб кетади. Сел урса тайёр ҳосилга қор ёққандан ҳам баттар-да...

Мен унинг фикрига хайрихоҳлик билдириб бош тебратдим.

— Далачилик, деҳқончилик... ҳар фаслнинг ўзига яраша ҳарҳашаси бор. Ҳар бири ўзининкини ўтказишга ҳаракат қилади. Республиканинг ҳам плани тўлмай қолган 1969 йилнинг худди мана шундай баҳори эди. Чигитни экиб, чиқишидан хавотирда ер тимдалаб, жуфт қулоқни кўриб роса қувондик. Кейин яганага тушиб, уни тугатиб турсак, бир кечада сел уриб кетса бўладими... Кузга бориб яна оғир бўлди. Бир томондан қиш эрта тушиб, нўсаннинг ярми очилиб улгурмаёқ қор ташлаб берди. Ишимиз орқа тортиб турган шундай кунларнинг бирида даламизга район раҳбарлари «ҳорманглар» деб келиб қолишди.

— Бор бўлинглар! — дебман-у шу кўзимдан ёш оқиб кетаверибди, оқиб кетаверибди. Ҳали-ҳали эсласам уяламан. Ҳай, бу ҳаҳрамон бўлса ҳам жуда лапашанг экан-ку, деб ўйлашадими энди деб андиша қилдим. Йўқ тўғри тушунишибди. Кейин райком секретари:

— Қўйинг, синглим, сиз соҳибкорсиз, соҳибкорнинг кузи ҳар йили бирдек келмайди, — деди.

Рост гап-ку, лекин ўзи ерга чигит экиб, неча-кундуз устида парвона бўлган одам ўз меҳнатини кўз олдида нобуд бўлаётганини кўриб, ўзи уни қутқаришдан ожизлигини сезиб турса, чидолмас экан-да...

Дарҳақиқат, Чўлпоной кучи борича, қўлидан келганча ишлайдиганлардан, ишлаганда ҳам борлиғини беріб, ўзини аямай ишлайдиганлардан. Ана шу фазилат уни бундан ўттиз йиллар аввал стахановчилар ҳаракатига қўшилишга ундади. Шу фазилат билан у ўзи ёнди, бошқаларни ҳам ёндириб, звеносида ҳар гектардан 60 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди. Бундан чорак аср аввал колхознинг обрўли коммунистлари унинг шу фазилатларига ишониб, партия сафига кириш учун кафолат бердилар. Ана шу фазилатига ишониб йигирма йил бурун бор-йўғи 18 центнердан ҳосил оладиган бригадага бош қилиб қўйишди. Мана сўнгги йиллларда бу бригада қирқ центнердан ҳосил беряпти.

— Бултур Нурмуҳаммад билан Олимжонлар бригадаси «Тошкент-1» навидан экишди. Ҳар хил касалликларга жуда чидамли экан. Ўша бригадаларга бориб қайта-қайта кўриб келдим. Жонивор жуда бўлиқ, сершох бўларкан. Кечикдик деб анча ташвиш тортиб юришувди, йўқ, тез етиларкан. Бирам бўлиб берди денг. Съездда ҳам хорамлик бир бригада бошлиги шу навдан экиб 50 центнердан ҳосил олдик деб гапирди. Еримиз дарахтнинг ичи, лекин шундай бўлса ҳам, катта кетмайликку, биз ҳам 45 ни мўлжаллаб қўйдик. Бу йил ўзгача ишламасак бўлмайди. «Тошкент» навидан экдик.

Қуёш чиқиб далада ҳаёт қайнагунча гаплашиб ўтирдик.

— Манави ялпизнан ҳидланг, наманганнинг ялпизи алоҳида бўлади, — деб қолди у ариқ лабидан бир сиқим ялпиз теріб узатар экан. — Қаерда бўлмай шу ялпиз, шу ўрнилар гули кўз ўнгимдан кетмайди. Ўтган йили раис билан партком қўймай «Саёҳат поезди»га чиқариб юборишди. Сочи, Харьков, Волгоград, Боку каби кўп чиройли шаҳарларни кўриб қайтдик. Охири шу далаларимни соғиниб соғиниб кетдим...

Яхши одамлар билан учрашганда, суҳбатлашганда юрак қанча таскин топмасин, улар билан хайрлашганда кўнгил дарров ҳувиллаб қолади. Наманган область, Тўрақўрғон район, «Москва» колхозининг Аргин қишлоғидан жўнаб кетар эканман, ажойиб инсон, талабчан коммунист, бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чўлпоной Қудратиллаеванинг ҳар фаслда узоқ-узоқларни кузлашга одатланган қиёфаси кўз ўнгимдан кетмасди.

**Раҳима ШОМАНСУРОВА.**

# ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СУРИЯДА БЎЛИШИ

ДАМАШҚ, 16 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Маттчонов бошчилигида расмий дўстлик визити билан Сурияда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегацияси Совет Иттифоқи ёрдамида қурилаётган Фирот тўғони қурилишини бориб кўрди. Делегация аъзолари қурилишдаги ишларни кўздан кечирдилар, Сурия ишчилар ва инженерлар билан, шунингдек, совет мутахассислари билан суҳбатлашдилар.

Фирот тўғони ишлари билан шуғулланувчи министр Мунир Ваннус меҳмонларни табриклаб, Совет — Сурия ҳамкорлигининг Сурияни иқтисодий ривожлантириш учун бўлган аҳамиятини юксак баҳолади. Барпо қилинаётган ва халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстлик рамзи бўлиб қоладиган Фирот гидроэнергетика комплекси ана шу ҳамкорликнинг энг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади у.

## ПОКИСТОНДАГИ АҲВОЛ

**КАРОЧИ, 16 июнь. (ТАСС). Покистон маъмурлари Шарқий Покистондаги аҳволни бартараф қилиш чораларини тиниммиз кўрмоқдалар. Бу иш умуммиллий проблема бўлиб қолди.**

**Покистон президенти Яҳёхон «мамлакатнинг сиёсий келажаги тўғрисидаги масала»ни муҳокама қилиш мақсадида Покистон вилоятларининг ҳарбий губернаторлари билан кенгаш ўтказди.**

**Шарқий Покистон меҳнат федерациясининг раҳбарлари вилоятдаги саноат корхоналарининг ишчиларига мурожаат қилиб, уларни ишга чиқишга чақирдилар.**

**ЛОНДОН, 16 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: Даккадаги ва Шарқий Покистоннинг бошқа шаҳарларидаги аҳвол нормаллашмоқда: савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилмоқда, давлат муассасалари ишламоқда, мактаблар очилмоқда. Жут фабрикалари ишлай бошлади. Даккада ва Шарқий Покистон вилоятининг бошқа районларида комендантлик соати бекор қилинди.**

**Вилоят губернатори ва ҳарбий маъмури Тиккахон Шарқий Покистондан Ҳиндистонга қочиб ўтган кишиларни уйларига қайтиб келишга даъват қилди. Маъмурлар қочқинларни қабул қилиб олиш ва уларга ёрдам бериш учун салкам 20 та марказ очдилар.**

**Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, темир йўл транспортининг иши ҳозирча тўлиқ тиклангани йўқ: жумладан, Дакка билан Читтагонг ўртасидаги алоқа ҳали ҳам узиб қўйилган.**

## АДВОКАТЛАР ТАЛАБИ РАД ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 июнь. (ТАСС). Америкалик коммунист А. Дэвисни турмадан кафилга чиқариш тўғрисида адвокатлар қилган талабни қондиришдан Сан-Рафель шаҳрининг (Калифорния штати) суди яна бош тортди.

Негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун курашчи Дэвисга полиция сохта айб қўйиб, қамоққа ташлаган эди. Унинг тарафдорлари Сан-Рафель судининг қарорларини Америка суд қонунқоидаларини яна таҳқирлаш деб баҳоладилар.

А. Дэвисни озод қилиш учун кураш миллий бирлашган комитетининг раҳбари Франклин Александер бундай деди: «Биз судда адолат бўлишига эриша олмаймиз. Биз адолат бўлишига эриша оладиган бирдан-бир жой — Америка шаҳарларининг кўчаларидир».

Коммунистик партия ва прогрессив кучлар турма шароитида саломатлиги анча ёмонлашган Дэвисни озод қилиш кампаниясини кучайтириб юбордилар.

## ҚАРОҚЧИ КЕМА ҚЎЛГА ТУШДИ

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чили маъмурлари соҳилдан икки миля нарида «Пузльче» савдо кемасини, контрабанда йўли билан қурол-яроғ олиб келаётир, деб гумон қилиб, ушлаб олишди. Патруль самолётлар учувчиларининг айтишига қараганда, соҳил қўриқчи кемаси яқинлашиб келиши билан «Пузльче» кемасининг одамлари 80 га яқин яшикни сувга ташлаб юборганлар. Таможнячилар ҳужжатлар билан танишиб чиққанларидан кейин шу кема Панамада олган юкларининг кўп қисми етишмаганлиги аниқланди.

Чили матбуоти бу можарони шарҳлаб, кемадаги одамлар реакцион кучлар учун юборилаётган қурол-яроғни сувга ташлаб юборганлигига ишончимиз комил, деган фикрни баён қилмоқда. Ички реакция, деб ёзади «Сигло» газетаси, империалистларнинг планларига амал қилиб, Чили халқига ва унинг ҳукуматига қарши фитналар уюштиришни давом эттирмоқда.



ГДРнинг пойтахти — Берлин шаҳрининг Карлохорст районидаги бу уйдан киши аримайди. Кўринишдан киши диқатини тортадиган даражада ҳам эмас, оддий икки қаватли уй. Лекин у катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа билан боғлиқдир. Уйнинг пештоқидаги тахтага: «Бу бинода 1945 йилнинг 8 майида фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги акт имзоланди» деб ёзилган. Залда ҳамма нарса бундан 26 йил бурун қандай ҳолда бўлса шундайлигича сақланмоқда. Е. Башмачников фотоси, (ТАСС).

## «УЧИНЧИ ДУНЁ» МУАММОСИ

«Империалистлар Осиё, Африка, Латин Америкасининг ўнлаб мамлакатлари халқларини мунтазам суратда талаб келмоқдалар, — деди Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг партиямиз XXIV съездига қилган ҳисобот докладида, — Улар «учинчи дунё» деб аталган мамлакатлардан ҳар йили миллиард-миллиард доллар фойда олиб турибдилар». Масалан, кейнинги 18 йил ичида америкалик мультмиллионерлар Латин Америкасидаги мамлакатлардан 380 процент фойда олганлар. АҚШ капиталининг умуман ривожланаётган мамлакатлардан олган фойдаси 50 йилларнинг ўрталарида 3,5 миллиард бўлган бўлса, 60 йилнинг охирига келиб 6 миллиард долларга етган.

Инсоният имкониятлари ҳаддан ташқари кенгаёётган XX асримизда ривожланган капиталистик мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги фарқ жуда каттадир. Қуйидаги рақамларга эътибор қилинг-а! Ҳозир бутун дунёда социализм мамлакатларидагиларни ҳисобламаганда 2,4 миллиард киши яшайди. Шулардан тўртдан учи Осиё, Африка ва Латин Америкасида ҳаёт кечиради. Аммо уларга озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг бешдан икки, ташқи савдонинг бешдан бир, саноат маҳсулотининг атиги 10 процента тўғри келади, холос.

Агар ривожланган капиталистик мамлакатларда, ўртача умрнинг узоқлиги 70 ёш, аҳолисининг 95 проценти саводли бўлса, ривожланаётган мамлакатларда яшовчининг ўртача умри 50 га бормайди, 50 процентдан кўпроқ аҳоли бутунлай саводсиздир. Бунинг устига, дунёнинг бу қолоқ районида ҳар йили 3,5 миллион киши очликдан нобуд бўляпти. Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳар 8 секундда очликдан бир киши ўлмоқда.

Аммо, фақат Африка қитъасидаги мамлакатларнинг ўзи капиталистик дунёга қазиб олаётган олтиннинг 74,4 проценти, марганец рудасининг 52,8 проценти, кобальтнинг 79,2 проценти, олмоснинг 98,4 проценти ва ҳоказоларини етказиб беради. Бироқ, бу қитъа ер курраси нинг энг қолоқ районидир. Унинг йиллик маҳсулоти бутун капиталистик мамлакатлар маҳсулотининг атиги 2 процентинигина ташкил қилади, холос.

Агар ривожланаётган мамлакатлар саноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги суръатларини сақлаган ҳолда бораверса, салкам 60 йилдан кейингина ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги даражасига етиши мумкинлигини, жон бошига ҳисоблаганда эса, бунинг учун 100 йилдан ортиқ вақт керак эканлигини мутахассислар ҳисоблаб чиқдилар.

XX асримизда бу мамлакатларнинг ривожланишлари учун реал имкониятлар мавжуд. Чунки, қолоқ мамлакатларнинг индустриалштириш ва техника тараққиёти томон боришлари учун, ўзндан олдинга ўтиб кетган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш тарихини такрорлаш мутлақ шарт эмас. Балки, у мамлакатлар тўплаган тажрибалардан фойдаланаверишлари мумкин. Улар янгитдан оғир саноатни, қудратли мартен печларини, прокат станокларни ва ҳоказоларни «бўш ерда» қуришдан бошламайди. Балки, асримизнинг иккинчи ярмида вужудга келган энг охирги техника билан қуролланишлари мумкин. Ҳозирги вақтда асрларни ўн йилларга, ўн йилларни йилларга сиғдириш мумкин!

Аммо, улар бундай имкониятлардан фойдаланишлари учун капиталистик система тўсқинлик қилмоқда, улар тараққиётини бўғиб келмоқда. Шунга кўра ҳам, «учинчи дунё» деб аталадиган бу мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракатлари кучаймоқда. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, сиёсий мустақилликка эришиш, бу мустамлакачиликдан тамомила чиқиб кетиш деган гап эмас. Чунки, империалистлар бутун кучи билан мустақилликка эришган мамлакатларда ўз позицияларини сақлаб қолишлари учун бутун имкониятларини сарфламоқдалар. Уларга ҳар хил «ёрдам»лар» заёмлар бермоқдалар. Масалан, ривожланаётган бу давлатларнинг четдан қарзи 1961 йилда 21-22 миллиард доллар бўлган бўлса 1968 йилга келиб, бу қарз 47,5 миллиард доллар етган. Шу тарзда империализм уларни иқтисодий қарам қилишга ҳаракат қилаяпти. Баъзибир мамлакатларни эса, «Умумий бозор»га тортмоқдалар. Шунингдек, империалистик доиралар, ёш давлатларни ўз ривожланишларида дуч келадиган объектив қийинчиликларидан, яъни, иқтисодий қолоқликдан, сиёсий структурадаги барқарорликдан, малакали кадрларнинг етишмаслигидан, кишилар онгидаги уруг-қабилачилик психологиясидан, динний ва миллий айрималардан ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланмоқдалар.

Империализм неоколониалистик сиёсатини, фақат иқтисодий соҳадагина эмас, балки ҳарбий-сиёсий ва идеологик соҳада ҳам олиб бормоқда. Буржуа идеологиясини пропаганда қилиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш, турли хил идеологик қўпорувчиликни амалга ошириш — мана шуларнинг ҳаммаси империалистик давлатларнинг экспонистик сиёсатидан келиб чиққандир. Бу идеологик экспанция асосида эса антикоммунизм ётади.

Империалистларнинг бундай хатти-ҳаракатлари миллий-озодлик ҳаракати, бутун антиимпериалистик кучлар томонидан қақшатқич зарбага учрамоқда. Энг муҳими шундаки, кўпгина мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракатлари эксплуататорларга қарши, яъни ҳам феодалларга, ҳам капиталистларга қарши курашга айланиб кетмоқда.

Демократик, антиимпериалистик кучлар ҳамма жойда ўз позицияларини мустаҳкамламоқдалар. Бу нарса, Ҳиндистонда бўлиб ўтган воқеаларда, Цейлон, Нигериядаги социал-иқтисодий ўзгаришларни халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланганлигида кўришимиз мумкин. Шунингдек, Чилида халқ ўзи истаган конституцион ҳукуматни тузди, Перу ва Боливияда АҚШ монополияларининг фаолиятлари чегаралаб қўйилди...

Умуман, «Учинчи дунё» мамлакатларидаги меҳнаткаш омма ўз ҳаққи-ҳуқуқи учун, чинакам озодлик учун, давлатларнинг тараққиёти учун курашда муҳим ғалабаларни қўлга киритмоқда.

**Фозилжон ИСМОИЛОВ.**

**Яқинда Австралияда врач қабулига кириш ҳақи 15 процент оширилди. (Газетадан).**

— Сизга нима бўлганини билмайман, аммо аҳволингиз аввалги келганингиздан 15 процент ёмонлашибди.

«Дейли телеграф» газетасидан олинган карикатура. (ТАСС).

## ИСТЕЪФО БЕРИШДИ

МЕХИКО. Мексика президенти Луис Эчеверриа пойтахт мэри Домингес билан федерал полиция бошлиги Флоресниг истеъфосини қабул қилди. 10 июнь куни Мексика пойтахтида бўлиб ўтган студентлар намойиши қатнашчиларидан қонли ўч олинганидан кейин ана шу шахслар истеъфо беришди. Студентлар ана шу фожиали воқеаларга Домингес шахсан аралашди, деб уни айбладилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўша куни 10 дан ортиқ киши ўлдирилган ва 20 дан кўпроқ киши жароҳатлантирилган. Намойишчилар ҳамма сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини ва маориф системаси ислоҳ қилинишини талаб этган эдилар. (ТАСС).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

## СУВ ОСТИДА ОЛИШУВ

**Калининград базасига қарашли балиқ овловчи-музлатгич «Орион» кемасининг денгизчилари сувдан тўрни кўтараётган эдилар. Бирдан улар қулоғига ғайри-табиий товушлар чалинди. Кема биқинида сув қайнаб, сачрай бошлади. Бир оздан кейин балиқчилар сув остида олишаётган беш метрли акула билан унча катта бўлмаган денгиз шерини кўриб қолишди. Акула оғзини катта очганича шерга ташланар, у бўлса чаққонлик билан чап берарди. Ниҳоят денгиз шери акула ҳужумини даф қилди-ю танаси билан унинг биқинига урилди. Кучли зарбадан акула ёнига ағдарилди, шер эса дарҳол тишларини ишга солиб, рақибини маглуб этди.**

**Б. КАЗАЧЕНКО.**

## СЎНГГИ ОВ

**Антоновкалик И. Стяжкин кечаси ғалати шовқиндан уйғониб кетди. У эшикка чиқиб ҳангу-манг бўлиб қолди. Итининг катаги ёнида она силовсин чўзилиб ётар, кўппак Барсук бўлса қонга беланганича ингранди. Стяжкин дарров тушунди. Барсуқнинг катаги ёнида саройча бўлиб, унда қуёнлар сақланарди. Оч қолган силовсин бу ерга ов қилишга келибди-ю, содиқ қўрқинчи Барсуқ билан олишувда жон берибди.**

**С. ФОКИН.**

## ЎЙҚУДАГИ АЙИҚ

**Шу йилнинг январида Опарин районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг сут согувчиси В. Грунталь пичан олиш учун далага чиққан эди. У пичан ғарамига эндигина шоха солган ҳам эдики, бўкирган овоз эшитилди, сўнгра айиқнинг боши кўринди. Қўрқиб кетган аёл отига минди-ю қишлоққа қараб ҳайдади. Айиқ бўлса «квартираси»ни ўзгартирди. Етиб келган одамлар уни ағдарилган дарахт илдизлари орасида ухлаб ётган ҳолда топишди. Айиқни ушлаб, овчи В. Суйнинг саройчасига қамашди, совқотмасин деб, устидан латта-лутта ёпиб қўйишди. Маймоқ полвон бу ерда 7 майгача ухлади. У ҳаддан ташқари оч қолган эди. Бир неча кун боқишгач, ўрмонга қўйиб юборишди.**

**В. ХАЛМАНОВ.**

## БОБОШ МАҲМУДОВ

«Совет Ўзбекистони» редакциясининг собиқ ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республика аҳамиятига молик пенсионер, хизмат кўрсатган маданият ходими Бобош Маҳмудов оғир касалликдан сўнг 64 ёшида вафот этди.

Бобош Маҳмудов ўзининг бутун онгли ҳаётини ўзбек совет матбуотини ривожлантириш ишига бағишлади. У узоқ йиллар «Совет Ўзбекистони»да адабий ходим, область мухбири, қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири вазифаларини бажарди. У етук журналист, принципиал коммунист, ишчан ижодий ходим сифатида республика қишлоқ хўжалигининг муҳим масалаларини матбуотда ёритиш, ёш журналист кадрларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди ва самимийлиги, меҳрибонлиги билан коллектив ҳурматини қозонди.

Меҳрибон дўст, жонкуяр устоз, камтарин инсон Бобош Маҳмудовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

**Бир группа ўртоқлари.**

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Табиат ҳақида ҳикоялар. 13.40 — Бадиий фильм, 17.35 — Моҳир қўллар, 18.00 — Бокс бўйича Европа чемпионати, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Ахборот. **Ўзбек тилида:** 19.20 — — Марксизм-ленинизм — КПСС сиёсатининг илмий негизи, 19.40 — Ахборот, 19.55 — Спектакль.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Ёзувчидан — китобхонга, 19.00 — — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — **Шафқатсизлик** (бадиий фильм).

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

20.00 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати, 20.15 — Классик музика саҳифаларида, 20.55 — Тўлқинда — 02, 21.05 — **Ёш гвардия** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/VI да **Спартак**, 19/VI да **Марварид қидирувчилар**, 20/VI да **Етти баҳодир ва ўлик Малика** ҳақида эртак (кундузи), **Аида** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VI да **Мирзо Улуғбек.**

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА**

**Асосий зарба** (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим, 2, 4 ярим ва кеч соат 7, 9 да).

**Ефрейтор Збруевнинг етти қалпоғи** — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Ўтган кунлар** (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, кеч соат 8.20 минутда).

**Фақат бир ой** — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Ёқимтой жаноб «Р»** — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

**Катталарга таъқиқ йўқ** — (кеч соат 8 ва 10 да), **Катта сайр** (кундуз соат 12, 2 ярим ва 5 да, 2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ».

**Том Жонс** (2 серия) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

**Данилар** — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**ЕЗГИ БИНОДА**

**Белоруссия вокзали** — ТЕЛЬМАН номли.


**УЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**1971—1972 ўқув йили учун Фармация мутахассислиги бўйича**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Ўқиш муддати 4,5 йил.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади: кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача студентликка қабул қилиш 21 августдан 25 августгача.

Ариза институт ректори номига ёзилади. Аризага етуклик аттестати ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом (асли), сўнгги ўқиш, иш ёки хизмат жойидан характеристика, 5 дона фотосурат (3х4 см), 286 формадаги медицина справкасини қўшиб топширилади.

Булардан ташқари, иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасини ёки муассаса ва корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган нусхасини топширишлари лозим.

Ҳужжат топширилаётганда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйҳатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

Институтга кирувчилар химия (оғзаки), физика (оғзаки), биология (оғзаки) ва она тили ва адабиёт (иншо)дан имтиҳон топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри К. Маркс кўчаси, 103-уй.



**МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА**

**19-20 июнь кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «А» класси олий лигасининг**

«ДИНАМО» (Минск) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалар ўртасида

**ФУТБОЛ**

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.


«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси газетанинг собиқ ходими, шахсий пенсионер, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими **Бобош МАҲМУДОВНИНГ** узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг вафот этганлигини билдириб, унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

## АСАББУЗАРЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

**Муҳлислар редакциямизга аксарият ана шу маънода мактуб йўллайдиган бўлиб қолишди. Ҳа, энди футбол бўлганидан кейин гоҳ шодланасан, гоҳ дорда қоласан дейсизми?! Бу гапга ҳам қўшилса бўлади. Тўғри, тўп ўйини ўзи шунаҳа, тасодифлар кутилмаганда бўлиб туради. Энди, борди-ю маглубият алами, сусткашлик, қулай имкониятни бой беришлик каби кўнгилсиз воқеалар такрорланаверса-чи, унда нима бўлади?**

**Футболчиларимиз ўз коллективларига берилган шарафли «Пахтакор» номига яраша ўйин кўрсатолмаяптилар. Ўйинлар жадвалига қараб севинадиган пайтлар ҳам бўлармикан? Касалликнинг боши, сабаби нимада ўзи?! Ахир пахтакорчилар бу «юришда» эътибордан, ишончдан тобора четда қоладилар-ку, деб ёзишибди ашаддий муҳлислардан, Ватан олдидаги ўз бурчларини адо этаётган солдатлар Ф. Худойберганов, Мўйдинов, А. Отахонов, Х. Алижонов, М. Қурбонов, С. Жўраевлар.**

**МУҲЛИСЛАР МУЛОҲАЗАСИ**

«Пахтакор»га нима бўлди? Чемпионатнинг биринчи давраси тугаб, давон ошиладиган нозлар яқинлашиб қолишига қарамай, 16 команда орасида дарвозасидан энг кўп тўп ўтказиб «рекордчи» номини ҳеч кимга раво кўрмай ўтирса, Сурхондарёлик ва Тожикистонлик колхозчилар Э. Олтибоев ҳамда С. Турдиматовларнинг бу финларини фарғоналик Ш. Содиқов, ленинободлик А. Маматкулов, Бухоролик Ж. Хўжақов билан Б. Эргашевлар ўз хатларида мана бундай тўлдиришибди:

— Командамизга фахрли ўринларни эгаллаш, катта футбол совринларини қўлга киритиш бегона бўлиб қолаётганига ҳайронмиз. Маглубиятдан кейин бир сафар айбни ҳужумчиларга ағдарсан, бошқа гал ярим ҳимоя билан ҳимоячиларни қораласан, яна дарвозабонинг лапашанглигини юзига солсан. Команда «муҳрлаб» олган еридан қўзғолмай туравер, фойдаси бўларми?

Фрунзелик Т. Раҳимшайхов ўз мулоҳазаларини шундай баён қилади: «Пахтакор»нинг кўпдан бери муҳлисиман. Футболчиларнинг бу йилги ўйинларига — очиғини айтганда — тушуниш қийин бўляпти. Ҳар галги учрашув ҳақидаги репортажни диққат билан кузатаману, лекин кўнгил таскин топмайди. Афтидан, пахтакорчилар машҳур масал-чи айтганидек ҳаракат қилишаётган кўринади: асосий куч уч бўлингандай — «аравача» ҳеч бир ёққа жилолмай қолмоқда. Ахир «Пахтакор» деганда ман-ман деган команда ҳам ўйлашиб майдонга тушарди. Энди-чи, бугунги кунда пахтакорчиларнинг қайси бир сифати билан фахрланамиз!

Ҳар йил «Пахтакор»га катта умид боғлаймиз. Зора янги мавсумда зўр командалар қаторидан ўрин олса деган орзуда юрамиз. Аммо, команда аъзолари худди биз, муҳлислар билан ўчакишгандек, асаббузарлик «ҳунари»ни эгаллашяпти. Бизларга эса пахтакорчиларнинг серзавқ, серҳажжон (шунақаси бўлса қанийди?) ўйинлари ҳақида эмас, балки олий лигада қоладими-йўқми деб баҳслашиш одат бўлиб қолмоқда. Ушлик У. Матқосимов, андижонлик М. Турдиев, тошкентлик ҳамда самарқандлик бир группа студентлар номидан мактуб ёзган Мирзаев, Қ. Мухторов ва урганчлик И. Эшчоновлар ҳам худди шундай фикрларни баён этишган.

Ўйинчиларимиз Бокуда бешинчи марта маглубият аламини тортишди. Командага тажрибали тренер келгандаги қувончимиз ҳам узоққа бормаган эди. Коллективга унинг собиқ устози раҳбарлик қилаётган бўлса ҳам ҳеч бир ўзгариш кўрмаяпмиз, — дейишибди жиззахлик Х. Эргашев, бухоролик Ф. Ҳакимов, А. Қўчқоров, сирдарёлик С. Холиқов, наманганлик О. Холиқов, С. Собиров ва бошқалар. Агар «Пахтакор» ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, тўпни аниқ оширолмаслик, бошланган ҳужумни ниҳоясига етказолмаслик, қўлга кириб турган ғалабани кутилмаганда бой бериб қўйишлик сингари «касалликлари»ни бартараф эта билганда, ўз мавқеини тиклаб оларди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 333142 Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4-29-44, Гулистон — 22-09.

А. — 139. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 04282.